

Термиз туманида «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази очилди



Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиб, бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида шаҳар ва туманларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугун Термиз туманида ҳам «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази биноси фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров, масъуллар, нуронийлар ва фаоллар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар давлатимиз раҳбари ташабbusи билан юртимизда аҳоли фаровонлиги ва инсон қадр-қимматини юксалтириш мақсадида тизимли ишлар амалга ошираётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида меҳмонлар маркази биносида яратилган шароит ва имкониятлар билан танишишди.